

АҚШ сиёсатчиси: «Мусулмонлар ҳақидаги фикрларни ўзгартиришнинг вақти келди»



15:13 / 04.04.2019 4095

Мусулмонлар ҳақидаги қонун лойиҳасини Конгрессга тақдим этган АҚШ вакиллар палатаси аъзоси, демократ Чу хоним: “Мен мусулмонлар ҳақидаги фикрларни ўзгартириш зарурлигини тушуниб етдим”, дея фикр билдирган. Чу хоним АҚШ Конгрессига сайланган илк хитойлик сиёсатчи саналади. У америкалик мусулмонлар тарихи ва уларнинг миллат тараққиётига қўшган ҳиссасини ҳаққоний эътироф этганини АА (**Anadolu ajani**) мухбирига маълум қилган. Конгрессдаги бешта катта мусулмон давлатларидан тўрттасини бирлаштирган Осиё-тинч океани конвенциясини 2011 йилдан буён бошқариб келаётган Чу хоним, Трамп маъмурияти томонидан мусулмонларнинг АҚШга саёҳат қилишларига нисбатан тақиқ жорий этилганидан жуда ҳам хафа бўлганини таъкидлаган. Сиёсатчининг ишонч билан айтишича, мазкур қонун лойиҳаси америкалик мусулмонларнинг тарихи ва уларнинг мамлакат ривожига қўшган ҳиссаларини эътироф этилишида катта ёрдам кўрсатади.

Америкалик мусулмонларнинг ҳиссаси ҳақида гапиришга мажбурмиз

Америкага саёҳат қилиш тақиқини бекор қилиш мақсадида, ўзининг сайлов участкаси бўлган Лос Анжелесдаги халқаро аэропортда

тутқинликда ушлаб турилган мусулмонларни озод қилиш учун йўлга чиққан Чу хоним: “Ўшандан бери ушбу тақиқни бекор қилиш учун қўлимдан келган барча ҳаракатни қиляпман. Ва, ниҳоят мусулмонлар ҳақидаги тушунчаларимизни ўзгартиришимиз кераклигини ва америкалик мусулмонларнинг бу мамлакатга қўшган ҳиссалари ҳақида гапириш зарур, деган тўхтамга келдим. Шу сабабдан ҳам АҚШдаги мусулмонларнинг эришган ютуқлари ҳақидаги қонун лойиҳасини тақдим этаётганимдан бағоят мамнунман” деди. Сиёсатчи Оқ уй маъмуриятининг Янги Зеландиядаги хунрезликларга нисбатан ўта совуққонлик билан муносабатда бўлганини ҳам танқид остига олган.

Америкалик мусулмонлар номзодлари билан учрашди

Вашингтонга АҚШнинг турли штатларидан “V мусулмонлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни” тадбирига келган мусулмонлар билан учрашган Чу хоним: “Биз ҳаммамиз АҚШни янада яхши мамлакат қилиш учун ҳаракат қилишимиздан фахрланаман. Кимнинг қаердан келгани ёки қандай ибодат қилишидан қатъи назар, АҚШ ҳамма учун тенг имкониятлар яратиб берадиган давлат эканига ҳаммамиз ишонамиз” деди.

У АҚШ жамиятида Муҳаммад Алидан тортиб Карим Абдужаббор каби етакчи мусулмонлар борлигини ҳамда АҚШ Конгрессига сайланган икки муслима сиёсатчи, бири сомалилик Илҳам Омар ва бошқаси фаластинлик бўлган Рашида Тлаибнинг фаолияти, шунингдек бир қанча маданият ҳамда санъат соҳасидаги машҳур мусулмонлар ҳақида гапириб ўтган. Унинг айтишича, америкалик мусулмонларнинг ижодкорлиги, ютуқлари, ақлий салоҳияти ва мамлакат тараққиётига қўшаётган ҳиссаларини ўзида ифода этган мазкур қонун лойиҳаси демократлар вакиллар палатасида кўпчилик овозга экани боис қабул қилиниши мумкин.